



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI HOKIMINING
QARORI

Termiz shahri, At-Termiziy ko‘chasi 1-uy. 190100, tel.: (+99876) 224-00-15, surxon@exat.uz, gov@sdv.uz

2021 -yil “25 ” mart

Қ-206 -son

Termiz sh.

**Жарқўрғон тумани Х.Олимжон массиви
“Узумзор” маҳалласи худудидан
“JARQO‘RG‘ON QURBON GOLD” МЧЖга
интенсив боғ ташкил этиш учун ер майдони
ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 20 мартдаги 4246-сон қарорига асосан вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2021 йил 04 мартдаги 05-02/192-сон йиғилиш баёни, Жарқўрғон тумани ҳокимининг 2021 йил 21 январдаги 01-05/16-сон хатини инобатга олиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Жарқўрғон тумани Х.Олимжон массиви “Узумзор” маҳалласи худудидан “JARQO‘RG‘ON QURBON GOLD” МЧЖга туман ҳокимлиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалик харитасининг 291, 299, 190, 190а, 307 ва 406к-дала контурларидаги жами 63,0 гектар, шундан 62,3 гектар яйлов, 0,2 гектар йўллар билан банд бўлган ва 0,5 гектар бошқа ер майдонлари томчилатиб суғориш билан интенсив боғ ташкил этиш учун (49 йил муддатга) ижара ҳуқуқи билан ажратилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси (М.Абдурахманов)га ажратиб берилган ер майдонидан самарали ва мақсадли фойдаланилишини доимий назорат қилиб бориш ҳамда ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритиш юклатилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси ҳузуридаги Кадастр палатаси Сурхондарё вилоят бошқармаси (С.Шаймарданов) ер участкаси чегараларини жойида (натурада) белгилашни амалга оширсин ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

4. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари У.Турапов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов